


“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар
вазирлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши раиси


С.С.Саидқосимов
“12” декабрь 2025 йил

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши йиғилишининг
БАЁНИ

2025 йил 10 декабрь
соат 15.00

Тошкент шаҳри
Ташқи ишлар вазирлиги

Раислик қилувчи: С.Саидқосимов – Жамоатчилик кенгаши раиси

Иштирок этувчилар: Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Б.Аълоев, Ташқи ишлар вазири матбуот котиби А.Бурханов, ЖИДУ профессори И.Мавлянов, ТИВ ҳузуридаги Ташқи-сиёсий тадқиқотлар ва халқаро ташаббуслар маркази директори С.Валиев, Прогрессив ислохотлар маркази раҳбари М.Асланов, “Тараққиёт стратегияси” маркази директори Э.Туляков, “Ватандошлар” жамоат фонди раиси О.Саттаров, “O‘zbekiston24” телерадиоканали бош муҳаррири Қ.Жамолов, “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари қўшма таҳририяти бош муҳаррири С.Дониёров, “УЗА” халқаро таҳририят бошлиғи Ғ.Хонназаров, “UzReport” АА Янгиликлар хизмати директори Д.Қорабоев, Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази директори Қ.Собиров, “Дунё” АА директори Ш.Қўчқарова, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати бошқарма бошлиғи Д.Лутфиддинов.

Мажлис ўтказиш жойи: Вазирликнинг мажлислар зали.

КУН ТАРТИБИ:

I. Ташқи ишлар вазирлигининг 2025 йил июнь-ноябрь ойларидаги фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш.

II. Фуқаролик жамияти вакиллари билан фаол фикр алмашинувини ўтказиш.

III. Жамоатчилик кенгашининг 2026 йилга мўлжалланган “Амалий ҳаракатлар режаси”ни тасдиқлаш.

(С.Саидқосимов, Б.Аълоев, М.Асланов, С.Дониёров, Қ.Собиров)

Йиғилишни Жамоатчилик кенгаши раиси С.Саидқосимов очиб берди. Кенгашнинг 2025 йилдаги фаолияти бўйича қисқача ахборот берилди.

I. Кун тартибига биноан Кенгаш аъзоларига ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Б.Аълоев томонидан ТИВнинг 2025 йил давомидаги фаолияти сарҳисоби тақдим этилди.

Хусусан, ўтган давр (*июнь-ноябрь*) Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий майдондаги фаоллиги билан ёдда қолиб, халқаро ташрифлар, олий ва юқори даражадаги саммит ва учрашувлар, йирик халқаро тадбирлар кетма-кетлиги мамлакатимизнинг минтақавий ва глобал миқёсдаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилганлиги алоҳида таъкидланди.

Жумладан, Давлатимиз Раҳбарининг хорижга **11** та расмий ташриф амалга оширилди. Олий даражада **30** га яқин телефон мулоқотлари ўтказилди. Ўзбекистон Президенти юртимизга ташриф буюрган **90** дан зиёд хорижий делегацияларни қабул қилди.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири ва ўринбосарлари томонидан чет давлатлар юқори мартабали вакиллари ва ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари билан **700** дан ортиқ учрашув ва музокаралар ўтказилди. Ҳамкор мамлакатлар ташқи ишлар вазирликлари билан **11** та сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилди.

Сўнги бир йил давомида Ўзбекистон **10** дан ортиқ мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатди (*умумий ҳисобда 165 та*).

Ўзбекистонда йирик халқаро анжуманларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилиб, “**IV Тошкент халқаро инвестиция форуми**”, “**Давлат хизмати бўйича Форуми**”, “**Камбағалликдан фаровонлик сари**”, **ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси**, “**Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви**” каби қатор нуфузли тадбирлар муваффақиятли ўтказилганлигига урғу берилди.

Халқаро тузилмалар доирасида ўтказилган **8** та тадбирда олий даражада иштирок этилди. **БМТ, Европа Иттифоқи, ЮНЕСКО, Туркий давлатлар ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти** ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида Ўзбекистоннинг янги ташаббуслари мунтазам қабул қилинаётгани қайд этилди.

Иқтисодий дипломатия йўналишида “**ТИВ - Элчихоналар - вазирлик, тармоқлар ва ҳудудлар**” форматидаги тизим юқори самара кўрсатаётгани таъкидланди. 2025 йилда Дипломатик ваколатхоналаримиз томонидан хорижий инвестициялар оқимини кўпайтириш, экспорт ҳажмини ошириш ва аниқ лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида **350** дан ортиқ турли тадбирлар, жумладан мамлакатимиз ҳудудларида **900** дан ошиқ хорижий компаниялар иштирокида **46** та ҳамда чет элларда **74** та бизнес-форумлар ташкил этилгани маълум қилинди.

Ўтган даврда элчихоналар кўмагида халқаро кўргазма ва ярмаркаларларда **300** дан ортиқ маҳаллий корхоналар ва экспортчиларимиз ўз стендлари билан қатнашдилар, **1 000** дан ортиқ компания ва салоҳиятли хорижий импортёрлар билан музокаралар ўтказилди.

Хорижда Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини кенг тарғиб қилиш ҳам дипломатик ваколатхоналаримизнинг асосий устувор вазифаларидан бўлиб қолаётгани таъкидланди. Ўтган даврда юртимизга **10.7** млн. нафардан ортиқ сайёҳлар ташриф буюрди, **2392** та туризм мавзусидаги контент ва мақолалар чоп

қилинди, **562** та такдимот ва роад-шоулар ўтказилди, ОАВларда **560** та интервью ва телерепортажлар ташкил этилди, **143** та халқаро кўргазмаларда иштирок этилди, хорижий таниқли шахслардан **23** та янги **“Туризм элчилари”** тайинланиб, ушбу элчиларнинг умумий сони **35** тага етказилди. Бунда хориждаги дипломатик ваколатхоналар томонидан олиб борилаётган тарғибот ишларининг ҳиссаси катталигига эътибор қаратилди.

Хорижий давлатлар билан визани соддалаштириш сиёсати доирасида виза режимини ўзаро бекор қилиш, электрон виза тизимларини ишлаб чиқиш ҳамда энгиллаштирилган тартибда кириш ҳуқуқига эга давлатлар рўйхатини кенгайтириш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. Очиқлик сиёсати натижасида қарийб **100** та мамлакат учун визасиз режим жорий этилди.

Хориждаги **Ўзбекистон фуқароларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш**, ватандошлар билан мулоқотни мустаҳкамлаш Ташқи ишлар вазирлиги ва дипломатик ваколатхоналаримиз олдида турган энг муҳим вазифалардан бири эканлигига тўхталиб ўтилди.

Хориждаги ватандошлар билан мунтазам мулоқотни мустаҳкамлаш, уларни мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти билан яқиндан таништиришга қаратилган **627** та маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

Бу борадаги ишлар мамлакатимиз ташқи сиёсатининг самарадорлигини ошириш, халқаро майдондаги шериклик алоқаларини чуқурлаштириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда узоқ муддатли стратегик алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

II. Кенгаш аъзолари томонидан Вазирликнинг 2025 йил июнь-ноябрь ойларидаги фаолиятига юқори баҳо берилди. Ташқи сиёсий фаолликнинг ортиши, Давлатимиз Раҳбарининг олий даражадаги ташрифлари, халқаро мулоқотлар, инвестицион ҳамкорлик ва консуллик йўналишларида эришилган натижаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий майдондаги изчил ва фаол иштироки, минтақавий ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилди.

Тадбир доирасида очиқ мулоқот ташкил этилиб, фуқаролик жамияти вакиллари билан фаол фикр алмашинуви ўтказилди.

“Прогрессив ислохатлар маркази” раҳбари М.Асланов қуйидаги таклифларни билдирди:

- Ўзбекистон делегацияларининг хорижий давлатларга хизмат сафарларини ташкил этишда мансабдор шахсларнинг шахсий маъсулиятини янада ошириш лозимлигини, уларнинг хорижда бўлиш масалаларини ҳар бир ташкилот ўзи ҳал қилиши кераклигини, дипломатик ваколатхоналаримиз ходимларини делегациялар кутиб олиш ва кузатиб қўйиш каби масалаларга имкон қадар камроқ жалб қилиш;

- халқаро тадбирларни юртимизда ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш, “outsourcing” хизматларидан фойдаланиш, уларни ўтказишда жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланиш;

- кўшни ва стратегик ҳамкор давлат фуқароларининг мамлакатимизда олий таълим муассасаларида тахсил олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида уларга Ўзбекистон фуқароларига тақдим этиладиган шарт-шароитларни таклиф этиш масаласини кўриб чиқиш;

- нуфузли халқаро тузилмаларда Ўзбекистон манфаатларини илгари суришда малакали кадрларни ушбу ташкилотларда фаолият юритишларини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш илгари сурилди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари кўшма таҳририяти бош муҳаррири С.Дониёров Кенгаш аъзолари билан ҳамкорликда халқаро воқеа ёки ҳодисаларни ахборот маконида кенг ёритишга доимо тайёрлигини билдирди.

“Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг халқ дипломатияси маркази” раҳбари Қ.Собиров хорижга ва юртимизга амалга ошириладиган олий ва юқори даражадаги ташрифлар, халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган тадбирлар жадвалини олдиндан шакллантириш ва хабардор қилиш тизимини йўлга қўйиш, медиа маконидаги тадбирларни юқори савияда ташкил этиш учун асос бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

Кенгаш аъзолари томонидан кўтарилган барча савол ва масалаларга Вазирлик вакиллари томонидан атрофлича изоҳлар берилди. ТИВ келгуси фаолиятини янада такомиллаштиришда билдирилган фикр ва мулоҳазалар тегишли тартибда ўрганиб чиқилиши таъкидланди.

Ш. Кенгаш раиси С.Саидқосимов Вазирлик олдида турган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Жамоатчилик кенгашининг 2026 йилга мўлжалланган **“Амалий ҳаракатлар режаси”**ни тасдиклаш таклиф қилинди.

Ушбу ҳужжат кенгаш фаолиятини тизимли, самарали ва очик асосда олиб бориш, ТИВ ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Мажлис якунида Кенгаш йиғилишларини ҳар чоракда ташкил этишга келишиб олинди.